

ЗЎРАВОНЛИК ҲОДИСАНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ

Мадрахимов Алишер,

Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти таянч докторанти

Бутунжаҳон миқёсида ёшлар, айниқса ўсмирлар ўртасида юз берадиган шахслараро зўравонликлар, мактаб ўқувчилари ўртасида юз бераётган гуруҳий ёки якка тартибдаги таъкиб жамиятда оғир оқибатларни юзага келтирувчи фожеа сифатида баҳоланмоқда. БССТ маълумотларига кўра, зўравонликнинг турли кўринишлари оқибатида ҳар йили дунё бўйича 1,3 миллион одам вафот этади ва бу барча ўлимларнинг 2,5 фоизини ташкил қилади. 15-44 ёшли аҳоли ўртасида ўлим сабаблари орасида зўравонлик тўртинчи ўринда туради[1]. Бундан ташқари, миллионлаб одамлар ўлим билан тугамаган зўравонликлар – руҳий, иқтисодий, жинсий тажовузларнинг, мактаб ўқувчилари эса, гуруҳий ёки якка тартибдаги тажовуз, таъкиб, ажратиб қўйиш, калака қилиш каби бугунги ривожланишига тўсиқ бўлувчи ҳамда келажақда оғир оқибатларни келтириб чиқарувчи ҳодисаларнинг қурбони бўлмоқдалар. Болалик ва ўсмирлик вақтида зўравонлик қурбони бўлган болалар келгусида ўзлари ҳам зўравон бўлишлари ёки зўравонлик қурбони бўлишлари эҳтимоли доимий сақланиб қолади. Шу боисдан, ўсмир-ёшларда зўравонлик ва буллинг ҳолатларининг олдини олишга доир илмий тадқиқотлар дунё илмий жамоатчилигида алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.

Бугунги кунда мактаб ўқувчилари ўртасидаги зўравонликлар (буллинг) ҳодисасини ўрганган “аномия” ва “девиант хулқ-атвор” ёндашувлари (Э.Дюркгейм, Р.Мертон), “ижтимоий ўрганиш” (А.Бандура) ва психотаҳлил (Э.Фромм), “тажовузкор хулқ” (К.Лоренц) назарий ёндашувлари асосида профилактикага доир бир қатор дастурлар амалга оширилган. Хусусан, Olweus Bullying Prevention Program (Norway), Positive Action (USA), SAVE (Spain), Bulli & Pupe (Bullies and Dolls) (Italy), Donegal (Ireland) дастурлари бугунги кунда мактабларда буллинг профилактикасини ташкил этишга қаратилган, кенг тарқалган тадқиқот дастурлари ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш ҳар доим давлат сиёсатининг устувор вазифаси бўлиб келган. Ўзбекистонда “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойили асосида ишлаб чиқилган 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам, таълим тизимини ислоҳ қилиш ва инсон капиталини ривожлантириш, тўртинчи устувор вазифа сифатида белгилаб берилган[2]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев мактаблардаги таълим-тарбия муҳитини такомиллаштириш, ёшларни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш ва уларни умуминсоний қадриятларга мос, одоб-ахлоқли шахс қилиб етиштириш мамлакатимиз ўрта таълим тизими олдида турган долзарб вазифа эканлиги ҳақида доимо таъкидлаб келади[3]. Ушбу раҳбарий кўрсатмаларга мос равишда Ўзбекистонда ўрта таълим мактабларида тарбия муҳитини янада такомиллаштириш, мактаб ўқувчилари, раҳбар ходимлари ва педагоглар жамоаси ўртасидаги низоли вазиятларни бартараф этиш, буллинг ҳолатларини олдини олиш ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Ушбу фаолиятни тартибга солиш, хусусан мактаб ўқувчилари, ўқитувчилари ва раҳбар ходимлари ўртасидаги ўзаро зиддиятларнинг олдини олиш, мактабларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил қилиш, ўрта таълим тизимидаги тарбия муҳитини такомиллаштириш орқали тарбияли, одобли шахсларни вояга етказишга қаратилган фаолиятнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг қатор меъёрий ҳужжатлари билан тартибга солиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда имзоланган “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ №60-сонли ҳамда 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ҳамда “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 14 мартда имзоланган ПҚ-2833-сонли “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда бошқа қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бу борада амалга оширилаётган фаолиятнинг меъёрий ҳуқуқий асосларини белгилаб бермоқда.

Иносилараро муносабатларда зўрлик ва зўравонлик масалалари қадим замонлардан инсонларни ташвишлантириб келганлиги сабабли, дунёқарашнинг қадимий кўриниши бўлган динлардаёқ ўз аксини топган. Хусусан, Зардуштийлик динидаги ёвузлик тимсоли бўлган Ахраман ўзида барча салбий иллатларни, жумладан зўравонликни ҳам мужассамлаштириб, инсонларда ушбу ҳодисага, яъни шахслараро муносабатларда ҳам зўрлик ишлатиш салбий ҳолат эканлиги тўғрисидаги қарашларни шаклланишига ўз ҳиссасини қўшган[4]. Кейинчалик пайдо бўлган диний таълимотлар, хусусан мамлакатимизда ўзига хос ўринга эга бўлган ислом дини нуқтаи назаридан ҳам, инсоннинг инсонга зўрлик ишлатиши қатъий қораланади[5].

Зўравонлик ҳодисасига илмий ёндашувлар дастлаб қадимги дунё файласуфлари Афлотун ва Арастуларнинг ижодида кўзга ташланади. Кейинчалик ўрта асрларда Н.Макиавелли, Т.Гобс, Ж.Локк, Ж.Ж.Руссо, Ч.Беккариа, И.Кант, Г.Гегель ва Ф.Ницшелар зўравонликни фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилганлар. Ўрта асрларда Марказий Осиёлик мутафаккирлардан Абу Наср Форобий ва Абу Райҳон Бериунийларнинг ижодларида ҳам инсон ҳуқуқи ва инсонлараро муносабатларнинг ўзига хос жиҳатлари тўғрисидаги ёндашувларни кузатиш мумкин[6].

Зўравонлик муаммосини фалсафада ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганилиши кейинчалик ушбу ҳодисани социология ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанларда ҳам тадқиқ этилишига олиб келди. Гарчи, ижтимоий омилларнинг ўрнини инкор этмасаларда, дастлабки психологлар ўз тадқиқотларида зўравонликнинг илдизларини инсоннинг қалбидан, унинг руҳиятидан излаб бошлаган эдилар. Бу тарздаги ёндашувларни З.Фрейд, К.Хорни, Э.Фромм ва бошқалар давом эттиришган ва агрессияни изоҳлашнинг психологик ёндашувларини илгари суришган[7].

Зўравонликни тушунишни тўлиқ ижтимоий ҳодисалар билан боғлаб тушунтиришга интилишларни Т.Гобс ва М.Вебернинг давлат ҳақидаги таълимотларида, Э.Дюркгейм ва Р.Мертоннинг аномия ва девиант ҳуқ-атвор тўғрисидаги назарий ёндашувларида кўриш мумкин.

Мустақил Ўзбекистонда социология кенг ривожланди ва М.Бекмуродов, А.Қаххоров, А.Холбеков, М.Ганиева, А.Умаров, Ш.Содиқова, Т.Матибаев, О.Абдуазимов, Н.Латипова, Ф.Парманов, А.Сеитов ва бошқалар томонидан жамиятимизнинг долзарб муаммолари социология фани нуқтаи назаридан ёритиб берилди[8]. Жумладан, шахслараро зўравонликни девиант ҳуқ-атвор кўриниши сифатида А.Юнусов, С.Ахроров ва Б.Тожибоевлар кўриб чиқишган[9].

Янги Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг эркинлаштирилиши ҳамда давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик фикрини ўрганишга эътиборни кучайиши социология фанининг янада кенг ривожланиш имконини берди ва бунинг оқибатида охириги йилларда социологиянинг тор, шу билан бирга муҳим аҳамият касб этувчи йўналишлари, жумладан инсонлар ўртасидаги зўравонлик ҳолатларини ўрганишга ҳам кенгрок эътибор қаратила бошланди. Ана шундай илмий тадқиқот ишлари сифатида Т.К.Нарбаева ва Х.О.Зияеваларнинг диссертацион тадқиқотларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин[10].

Олиб борилган тадқиқотларда хотин-қизлар зўравонлиги масалалари ҳамда Ўзбекистон ўқувчи-ёшларида ҳамда ҳарбий хизматчиларда девиантлик омиллари, унинг профилактикаси таҳлил қилинган. Шунингдек, ўрта мактабларда буллинг ҳодисасини юзага келишига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатувчи ҳуқ-атвордаги ижтимоий-руҳий ўзгаришлар хусусиятлари, ижтимоий меъёрлар ва ижтимоий назоратнинг девиантлик ҳолатларига таъсири масалалари таҳлил қилинган. Бироқ, буллинг ҳодисаси алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг “Зўравонликнинг олдини олиш бўйича глобал ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи (2014)”. // www.who.int/violence_injury_prevention/violence/status_report/2014
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги ПФ №60-сонли Фармони. “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”.. <https://lex.uz/pdfs/5841063>

3. Мактаб таълимини ривожлантириш бўйича устувор вазифалар белгиланди (Президент Ш.Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январь куни мактаб таълимини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишидаги маърузаси) / <https://president.uz/uz/lists/view/4945>
4. Авесто. Аша алқови. /»Соғлом авлод учун» журнали.1996. №5-6.
5. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Куръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси. Т.: «Hilol-Nashr» нашриёт-матбааси, 2021й, 632 б.
6. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри (Танланган асарлар тўплами). Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993 й.; Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Т.: «Фан», 1968 йил. 1 том. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. 236-бет.
7. Хорни К. Невротическая личность нашего времени. – СПб.: Питер, 2002; Фромм Э. Анатомия человеческой деструктивности. – М.: АСТ, 2016.
8. Бекмуродов М. Қонун ва жамоатчилик фикри. «Қонун ҳимоясида», №8, 1997.
9. Юнусов А.Б. Ўсмир меъёрни бузса... Монография. Т.: А.Қодирий номидаги ТДМИ, 2008; Аҳроров С.Ю. Ҳарбий хизматчилар шахсида девиант ҳуққ намоён бўлишининг ижтимоий хусусиятлари. Соц. ф. н. илм. даражасини олиш у-н тай. дисс. Т., ЎзМУ, 2009; Тожибаев Б. Ўзбекистон ўқувчи-ёшларида девиантлик профилактик омилларининг социологик таҳлили. Соц.ф.ф.д (PhD) илм. даражасини олиш у-н тай. дисс. Т., ЎзР Президенти ҳузуридаги ДБА, 2019.
10. Нарбаева Т.Қ. Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини оширишнинг инновацион модели. Соц.ф.д. (DSc) илм. даражасини олиш у-н тай. дисс. Т., ЎзР Президенти ҳузуридаги ДБА, 2020; Зияева Х.О. Маиший зўравонликка учраган хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш механизмлари. Соц.ф.ф.д (PhD) илм. даражасини олиш у-н тай. дисс. Т., ЎзР Президенти ҳузуридаги ДБА, 2021.